


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Дехқонобод туман Халқ таълими бўлими

муздри Б.Юсупов Б.Юсупов



БУЮРТМАЧИ:

Дехқонобод тумани Қолувдор МФЙ да жойлашган 64-мактабни жорий таъмирлаш ишлари

Дехқонобод тумани-2022 йил



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Дехконобод туман Халқ таълими бўлими

муdiri Б.Юсупов Б.Юсупов

« 20 » 08 2022 йил

Кашкадарё вилояти Дехконобод туманида жойлашган 64-мактаб бйносини жорий таъмирлаш ишлари бюджет маблаглари хисобидан ҳамда лойиха – смета хужжатлари ва экспертиза хулосасига асосан жорий таъмирлаш хизматлари буйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Махсулот ва хизмат номи	Жорий таъмирлаш
2	Буюртмачи	Дехконобод туман Халқ таълим бўлими
3	Буюртмачи учун асос	64-мактаб бйносини жорий таъмирлаш ишлари
4	Иш хизматлари Бажариладиган манзил	Дехконобод туман Қолувдор МФЙ Бешбулок кишлоғида жойлашган 64-умумий мактаб
5	Катнашувчилар учун талаблар	Танлов хужжатларида курсатилган ишларни уз вақтида ва сифатли бажариб бериш
6	Тижорат таклифларини таклиф этиш шартлари	Хизмат курсатувчи корхонанинг низом, Гувохнама ,солик ва мажбурий туловлардан карзи йўқлиги ва йирик солик туловчи эканлиги хақида маълумотнома, ишчилар руйхати , механизмлар руйхати олдин шу каби объектларда ишларни амалга оширганлиги тугрисида маълумот ёки тавсиянома
7	Бажариладиган ишлар хисоб китоби	Бажариладиган ишлар буйича хисоб китоблар тузилган Ф-2 га караб ва далолатномага мос равишда амалга оширилади.
8	Иш хизмат тури	Жорий таъмирлаш
9	Иш хизматларини бажариш муддати	Шартномага асосан.
10	Техник меҳнат хафсизлиги буйича талаблар	Иш хизматларини бажариш жараёнида меҳнат ва техника хафсизлиги койида ва талабларига риоя этиш.
11	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблаглари хисобидан амалга оширилади.
12	Бажариладиган ишлар киймати таклифи	29100000 (йигирма тўққиз миллион юз минг) сум

Бош хисобчи:

Х.Одинаев

Бош муҳандис :

М.Ибрагимов

Давлат харидлар буйича мутахасис

Д.Дўсанов

Шартнома буйича мутахасис

У.Хазратов

Товар моддий киймат сақлаш буйича мутахасис

Н. Қаюмов

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб –тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилади.

1. ТАНЛОВ ПЕРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Дехқонобод туман Халқ таълими бўлими томонидан, Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Колувдор МФЙ да жойлашган 64-мактабни жорий таъмирлаш учун малакали мутахасисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати 29 100,0 00 (йигирма тўққиз миллион юз минг) сўм Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. **Ушбу танлов якунлари бўйича Ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Дехқонобод туман халқ таълими бўлими (бундан кейин –“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: *Dehqonobod tumani. Qorashina aholi punkti Istiqlol ko'chasi indeks:180400*

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан ўтказилган ва белгиланган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда булгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда Мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги.

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатла;
- танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларининг мўлжалланаётган ҳа50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
- низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- қайта таъкил этилиш, (ажратилиши, қўшилиш). Тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари- талабгор ташкилотлар танлов предмети лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан таъиниб чиқилган ва танлов твклифини тузиш учун буюртмачига (танлов твшкилотчиси) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.